



Исламнинг тарихида олайҳа ҳадисада Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди-да, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алик олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз (такбиратул-эхромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан муюссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туринг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтаринг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва



саждада хотиржам туинг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиинг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар.

Ҳадисада хотиржам туинг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиинг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳумайд ас-Соъидий розияллоҳу анҳу айтади: Кўрдимки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эҳромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззаларига маҳкамлаб қўярдилар, сўнг белларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарғанларида қад ростлаб турадилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суюклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёnlарига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармокларининг учини қиблага қаратардилар. Икки ракъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ёзган ҳолда ўтириб, ўнг оёқларини тиккалардилар. Охирги ракъатда ўтирсалар чап оёқларини ўнг оёқ остидан чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирадилар.»



Имом Муслим ривоят қилған ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни (такбиратул-эхромга) такбир айтиш ва “Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн”ни ўқиш билан бошлардилар. Рукуъ қылсалар бошларини күтариб ҳам, пастга эгіб ҳам юбормасдилар, балки шу икки ҳолатнинг ўртасида қиласардилар. Рукуъдан бош күтартсалар, қадларини тўла ростламагунча саждага бормас эдилар. Саждадан бош күтартсалар, тўғри, текис ўтирганча иккинчи саждага бормас эдилар. Ҳар икки ракъатда ўтирганда “Ат-таҳийёт”ни айтардилар, чап оёқларини тўшаб, ўнг оёқларини тиклар эдилар. Намозда «уқбатуш-шайтон»дан (яъни болдир ва сонларни тиклаган ҳолда кўлларни ерга тираб ўтиришдан) ва тирсакларни ҳайвонлар каби ерга тўшашдан қайтарардилар. Намозни салом билан тугатар эдилар.

Шарҳ:

Рукуъ ва саждалар намоз рукнларидан бўлиб, уларни унутиб ё қасддан



тарк қилган кишининг намози намоз бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозининг рукнларини тўлиқ бажармаган кишига: “Боринг, намозингизни қайта ўқинг, чунки сиз намоз ўқимадингиз” деб мазкур аҳкомларни ўргатгандар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Рукуъ ва саждалар намознинг рукнларидан.
2. Рукуъда бел бош билан баробар текис туриши ва қўл тиззада маҳкам туриши суннат.